

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР  
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХИКМАТОВ ШЕРЗОД ТУХТАМУРОДОВИЧ**

**ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ  
ЯХШИЛАШДА ЯНГИ ТИПДАГИ ЁПИҚ ГОРИЗОНТАЛ ЗОВУРНИНГ  
АГРОМЕЛИОРАТИВ САМАРАДОРЛИГИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

**06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
посельскохозяйственнымнаукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Хикматов Шерзод Тухтамуродович**

Шўрланган тупрокларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда янги  
типтаги ёпиқ горизонтал зовурнинг агромелиоратив самарадорлигини  
илмий асослаш ..... 3

**Хикматов Шерзод Тухтамуродович**

Научно обосновать агромелиоративную эффективность закрытого  
горизонтального дренажа нового типа при улучшений мелиоративного  
состояния засоленных почв ..... 21

**Khikmatov Sherzod Tukhtamurodovich**

Scientific justification of the agromeliorative effectiveness of a new type of  
closed horizontal ditch in improving the reclamation of saline soils..... 38

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР  
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХИКМАТОВ ШЕРЗОД ТУХТАМУРОДОВИЧ**

**ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ  
ЯХШИЛАШДА ЯНГИ ТИПДАГИ ЁПИҚ ГОРИЗОНТАЛ ЗОВУРНИНГ  
АГРОМЕЛИОРАТИВ САМАРАДОРЛИГИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

**06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Qx499 рақами билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация иши Тошкент давлат аграр университетиде бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Норкулов Усмонкул**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Матякубов Бахтиёр Шамуратович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Хасанов Максуд Марифович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси , 2-уй. Тел: (99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail:[tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz).; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 2 қават, кичик анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент Давлат Аграр Университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент вилояти, қибрай тумани, Университет кўчаси , 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел: (+99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ф.Б.Намозов,**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
қ.х.ф.д., профессор.

**А.А.Иминов,**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий  
котиби, қ.х.ф.д., рофессор.

**М.Э.Аманова,**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, қ.х.ф.д.,  
катта илмий ходим.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** ФАО маълумотлари бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган дунё мамлакатларининг 25 % майдони турли даражада шўрланган ерлар ҳисобланади. “Шўрланган майдонлар асосан Аргентинада 30,5 млн, Парагвайда 20,0 млн, Мисрда 7,7 млн, АҚШда 5,9 млн гектарни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикасининг суғориладиган 2 млн гектар майдони шўрланган бўлиб, шундан 31,0 % кучсиз, 11,9 % ўртача ва 1,9 % кучли шўрланган.”<sup>1</sup> Турли даражада шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлаш, шўрланган ерларни шўрсизлантириш, тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун мўлжалланган ёпиқ ётиқ зовурларни такомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Дунё бўйича суғориладиган ер майдони 299,488 млн гектарни ташкил қилиб, унинг 45 % га яқини турли даражада шўрланган. Охириги 100 йил ичида 1 гектар суғориладиган майдонга сарфланадиган сув миқдори ўзгаришсиз қолаётганлиги ва шу муаммо бўйича жаҳондаги ривожланган мамлакатлардан АҚШ, Хитой, Исроил, Италия, Испания, Германия, Россия каби давлатларда етарлича илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётганлиги келтирилган. Илмий тавсияларга кўра, Жиззах вилоятининг кам шўрланган ерларда 2000-2500 м<sup>3</sup>/га, ўртача шўрланган ерларида 3500-4000 м<sup>3</sup>/га, кучли шўрланган ерларда 5000-6000 м<sup>3</sup>/га сув сарфлаб шўр ювиш лозимлиги таъкидланган. Зовурларни яхши ишламаётганлиги, сизот сувларининг сатхи йилдан-йилга кўтарилиб бораётганлиги ва сув танқислиги кутилаётган бир вақтда юқори меъёрларда сув сарфлаб, шўр ювиш нафақат тузларни камайишига, аксинча ерларни иккиламчи шўрланишига олиб келмоқда. Шўр ювиш ҳамда ғўзани суғоришнинг самарали ва мақбул усулларини ишлаб чиқиш бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармонида «Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш» белгиланган. Бунда 31-мақсадининг иккинчи бўлимида “ирригация-мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳисобига 335,1 минг гектарнинг сув таъминоти ва 125,4 минггектарнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва 543млн куб метр сувни иқтисод қилиш режалаштирилган бўлиб, бунга кўра 2022 йилда 427,1 км канал, 131,9 км лоток, 13,2 км қувур ва 886,0 км коллектор-дренаж тармоқлари қуриш ва реконструкция қилиш топшириғи берилган”<sup>2</sup>. Шунинг учун мамлакатимизда турли даражада шўрланган тупроқларнинг мелиоратив

<sup>1</sup><http://fao/worldfoodsituation/csdb/ru>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармонининг «Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш» бўйича 31-банди.

ҳолатини яхшилаш ҳамда сизот сувларини ер юзасига кўтарилишини олдини олиш бўйича илмий изланишлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024 сон “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси” фармони, 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5005-сон “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва иригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-144-сон “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика Фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Суғориладиган ерларда қўлланиладиган коллектор-зовур тармоқларининг тузилиши, таркибий қисмлари, уларнинг чуқурлиги, оралиқ масофалари, турли тупроқ-иқлим шароитларида сизот сувлари ва тупроқнинг туз тартибларига таъсири, зовурлаштирилган шароитда шўр ювиш ва экинларни суғориш тартиблари, зовур оқими модули, экинларни суғориш учун берилган сувнинг зовур оқимига нисбатлари, зовурлаштирилган шароитда етиштириладиган қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва унинг сифатига таъсирини ўрганиш бўйича Республикамізда В.Т.Лев, Ҳ.А.Аҳмедов, В.А.Ковда, А.Д.Панадида, С.П.Воловский, С.К.Навроцкий, М.Ғўдалов, Р.Т.Газиева, Э.Озодов, А.Н.Яшин, П.Д.Умаров, Х.Дрегне, Ф.Пенман, Ш.Язлыев, П.Н.Алиев, А.А.Асанов, И.П.Айдаров, М.Хамидов, В.А.Духовний, Х.И.Якубов, М.А.Авлиёқулов, А.Э.Авлиёқулов, У.Норқулов, Ж.Шадманов, С.Х.Исаев, А.Б.Мамбетназаров, С.М.Болтаев, Р.С.Назаров, М.А.Якубов, Е.Шерматов, С.Ф.Аврянов, Ф.Жўраев, Я.Ражабов, Ғ.Каримов, чет эл олимларидан Юкио Окуда, Хироши Икеура, Джуния Ониши, В.Р.Волобуев, А.В.Шуравилин каби олимлар томонидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Лекин, ҳозирги интенсив деҳқончилик тизимида сув танқислиги шароитида тупроқнинг мелиоратив ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган суғориладиган ерларда шўр ювиш ва экинларни суғориш учун берилган сувларни ҳисобга олган ҳолда янги конструкциядаги ёпиқ зовур ёрдамида сизот сувлар сатҳини 1,5-2,0 м чуқурликда бўлишлигини таъминлаш, суғориш сувининг самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олиш бўйича илмий тадқиқот ишлари етарлича олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Тошкент давлат аграр университети Дехқончилик ва мелиорация кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ҚХ-А-ҚХ-2018-1 “Шўрланган ва сизот сувлари юза жойлашган ерларда янги типдаги горизонтал зовурлар ва шўр ювишнинг янги методларини қўллаш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади.** Жиззах вилоятининг ўртача шўрланган сизот сувлари ер юзасига яқин жойлашган ерларда янги типдаги ёпиқ горизонтал зовурнинг агромелиоратив самарадорлигини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

янги типдаги зовурни йиллик шўр ювиш ва экинларни суғориш даврида сизот сувлари тартибига ва минераллашганлик даражасига таъсирини аниқлаш;

янги типдаги зовурнинг тупроқни сув ва туз тартибига таъсирини баҳолаш;

шўр ювиш ва суғориш давирларида вужудга келадиган зовур сув оқими ва тупроқни туз тартибини аниқлаш;

зовурлаштирилган майдоннинг йиллик ва мавсумий сув-туз мувозанатини аниқлаш;

тажриба майдонида ўтказилган мелиоратив тадбирни ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ўрганиш;

янги типдаги ёпиқ ётиқ зовурни иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Жиззах вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз, ўртача шўрланган, сизот сувлар сатҳи 1,5-2,0 м, механик таркиби ўрта қумоқ тупроқ, ёпиқ ётиқ зовур барпо қилинган тажриба майдони, ғўзанинг АН-Боявут-2 нави олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, ўртача шўрланган ва сизот сувлар сатҳи 1,5-2,0 м чуқурликда жойлашган, минераллашганлик даражаси 3-4 г/л бўлган шароитда ёпиқ ётиқ зовурнинг шўр ювиш ва экинларни суғориш даврида сарфланган сув меъёрларини сизот сувларнинг жойлашиш чуқурлигига, минераллашганлик даражасига, зовур оқими модулига, тупроқни шўрланиш тартибига ҳамда ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала тажрибалари ва лаборатория таҳлиллари, ғўзани ўсиши, ривожланиши бўйича олиб борилган фенологик кузатув ва ҳисоблашлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, “Методы агрохимических и агрофизических исследований в полевых хлопковых районах”, “Методическое руководство по расчёту дренажа орошаемых земель” қўлланмалари асосида, ғўза ҳосилдорлиги бўйича олинган илмий маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги Б.А. Доспеховнинг “Методика полевого опыта” қўлланмасидаги дисперсион таҳлил услуги ҳамда Microsoft Excel дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор, янги конструкциядаги ёпиқ зовурлаштирилган тажриба майдонида аниқланган шўр ювиш меъёри йиллар бўйича 1400-2123 м<sup>3</sup>/га бўлганда тупрокнинг бир метр қатламида қуруқ қолдиқ миқдори 0,731 % дан 0,673 % гача, хлор ионининг миқдори 0,043 % дан 0,020 % гача ювилганлиги аниқланган;

тажриба майдонида мавсумий шўр ювиш меъёри ўртача 1800 м<sup>3</sup>/га, ғўзани мавсум давомида 3 марта 0-3-0 тизимда, ҳар галги суғориш меъёри 800-1000 м<sup>3</sup>/га, мавсумий суғориш меъёри 2400-2800 м<sup>3</sup>/га бўлишлиги ишлаб чиқилган;

сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги тажриба вариантыда шўр ювиш даврида 165-170 см, ғўзани суғориш даврида 162-168 см яъни назоратга нисбатан 5-22 ва 14-26 см чуқурликда жойлашганлиги ва сизот сувларининг пасайиш тезлиги 20-22 см/сут бўлганлиги аниқланган;

ўрнатилган зовурнинг сув оқими йил давомида икки марта максимал оқим (шўр ювиш даврида 0,076-0,122 л/с.га ва ғўзани суғориш даврида 0,056-0,060 л/с.га) ва икки марта минимал оқим (апрел-май-0,040-0,054 л/с.га ва сентябр-октябр) вужудга келиши ҳамда бир гектар майдонга йил давомида шўр ювиш ва ғўзани суғориш учун берилган жами сувнинг (4514 м<sup>3</sup>/га) 36 % ини тортиб олиши аниқланган;

янги конструкциядаги ёпиқ зовур барпо қилинган майдонда 27,8 ц/га пахта хосили етиштирилганлиги, 3 766 000 сўм/га соф фойда олинганлиги, рентабеллик даражаси 47,6 % бўлганлиги ва янги зовур қуриш учун қилинган жами харажатларни олинган соф фойда ҳисобига 5 йилда қоплаш мумкинлиги исботланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

янги конструкциядаги ёпиқ зовурлаштирилган тажриба майдонида шўр ювиш меъёри йиллар бўйича 1400-2123 м<sup>3</sup>/га.ни ташкил қилиб, шу меъёрлар асосида шўри ювилганда тупроқ таркибидаги тузлар миқдори (қуруқ қолдиқ) 0,731 % дан 0,673 % гача, хлор ионининг миқдори 0,043 % дан 0,020 % гача ювилганлиги аниқланган;

янги конструкциядаги ёпиқ зовурлаштирилган тажриба майдонида ғўза мавсум давомида 3 марта суғорилиб, ҳар галги суғориш меъёри 800-1000 м<sup>3</sup>/га.ни, мавсумий суғориш меъёри 2480-2856 м<sup>3</sup>/га.ни ташкил қилган.

сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги йил давомида шўр ювиш ва ғўзани суғориш меъёрларига ҳамда зовур фаолиятига боғлиқ ҳолда ўзгариши кузатилди. Тажриба вариантыда сизот сувлари ноўсув даврида 165-170 см, ўсув даврида 162-168 см чуқурликда жойлашганлиги, минераллашганлик даражаси шўр ювишдан олдин 4,5-5,0 г/л.дан шўри ювилгандан сўнг 4,0-4,4 г/л.гача камайганлиги аниқланган;

тажрибада зовурнинг сув оқими йил давомида икки марта максимал оқим (шўр ювиш даврида-0,063-0,071 л/с.га) ва минимал оқим суғорилмайдиган даврда-0,020 л/с.га вужудга келиши ҳамда шўр ювиш, ғўзани суғориш учун берилган (4514 м<sup>3</sup>/га) сувни 36 % ини тортиб олганлиги аниқланган;

олинган пахта ҳосили назорат вариантыда (ўртача 3 йиллик) 24,8 ц/га.ни ташкил қилган бўлса, янги конструкциядаги зовур ўрнатилган майдонда эса 27,8 ц/га ҳосил олишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги, олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажрибалар натижаларининг республика ва хорижий давлатлар тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар асосида тайёрланган ҳисоботлар Илмий кенгашларда муҳокама қилиниб, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг Республика ва Халқаро илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги натижаларнинг ишончлилигини асослайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Жиззах вилоятининг ўртача шўрланган майдонида янги типдаги горизонтал ёпиқ ётиқ зовур шўр ювиш ва ғўзани суғориш учун берилган умумий сув меъёрларини 36 %ини (ўртача 3 йилда) тортиб олиши, сизот сувлари сатҳининг кўтарилишини олдини олиш, унинг минераллашганлик даражасини пасайиши, тупроқнинг шўрланганлик даражасини камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Жиззах вилоятининг ўртача шўрланган майдонлари шароитида янги типдаги горизонтал ёпиқ ётиқ зовурни чуқурлиги 2,0-2,5 м, оралиғидаги масофа 100 м бўлганда сизот сувлари сатҳи шўр ювиш даврида 165-170 см, ўсув даврида 162-168 см, минераллашганлик даражаси 4-5 г/л бўлганлиги, тупроқда қулай мелиоратив шароит таъминланиб, ғўза ҳосилдорлиги 3,0 ц/га ошиши ҳисобига фермер хўжаликларида рентабеллик даражаси 10-20 фоизга ошганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўртача шўрланган, сизот сувлари юза жойлашган тупроқлар шароитида тупроқларни мелиоратив ҳолатини яхшилашда янги типдаги горизонтал зовурнинг самарадорлиги бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун “Янги юза ёпиқ горизонтал зовур барпо қилинган суғориладиган майдонларда шўр ювиш ва ғўзани суғориш тартиблари” номли тавсиянома ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 19-июл №07/35-04/4794-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома бугунги кунда Жиззах вилоятининг сизот сувлари юза жойлашган, турли даражада шўрланган тупроқлари шароитида янги типдаги горизонтал зовурни қўллашда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

шўр ювиш ҳамда ғўзани мақбул суғориш меъёрларини аниқлаш натижалари асосида “Ёпиқ горизонтал дренаж” бўйича фойдали моделга патент (№FAP01881) олинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 19-июл №07/35-04/4794-сонли маълумотномаси). Натижада, патент маълумотлари асосида фермер хўжаликларининг ўртача

шўрланган тупроқлари шароитида сизот сувлари ғўзанинг ноўсув даврида 165-170 см, ўсув даврида 162-168 см чуқурликда жойлаштиришга, минераллашганлик даражасини шўр ювишдан олдин 4,5-5,0 г/л.дан шўри ювилгандан сўнг 4,0-4,4 г/л.гача камайтиришга, тупроқ таркибидаги тузлар миқдорини (куруқ қолдиқ) 0,731 % дан 0,673 % гача, хлор ионининг миқдорини 0,043 % дан 0,020 % гача камайтиришга эришилган;

шўр ювиш муддати куз-қиш ойларида ўтказилиб, унинг меъёри атмосфера ёғинлар миқдорида боғлиқ ҳолда 1500-2300 м<sup>3</sup>/га, ғўзани мавсум давомида 0-3-0 тизимда 3 марта суғориш ва ҳар галги суғоришда 800-900 м<sup>3</sup>/га меъёр сув билан суғориш технологияси Жиззах вилояти Мирзачўл туманининг собиқ “Бахмал агро” ҳозирги “Наби Жаббор” фермер хўжалиги худудида 4,0 гектар, “Шербек-Элбек-19” фермер хўжалиги худудида 8,0 гектар майдонда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 19-июл №07/35-04/4794-сонли маълумотномаси). Натижада, фермер хўжаликлари далаларида янги типдаги горизонтал зовур ўрнатилмаган майдонга нисбатан ўрнатилган майдонда АН-Боявут-2 ғўза навидан юқори ҳосил олишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда Тошкент давлат аграр университети томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Илмий тадқиқотлар натижалари бўйича тайёрланган илмий ҳисоботлар ҳар йили университетнинг илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 3 та республика ва 2 та халқаро илмий анжуманларда маърузалар қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та фойдали моделга патент (№FAR01881), 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари келтирилган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий

аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, апробацияда ижобий баҳолангани, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва тартиби бўйича атрофлича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сизот сувларининг кўтарилиши, тупроқнинг шўрланиши ва уларга қарши кураш чоралари бўйича маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқот ишлари таҳлили”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан шўр ерларни мелиорация қилиш бўйича ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижалар, хулоса ва фикрлар батафсил келтирилган. Илмий адабиётларни таҳлил қилишда шўрланган тупроқларни мелиорация қилишда зовурлаштиришнинг аҳамияти шўрини ювиш ва суғориш меъёрлари таъсирида сизот сувларининг кўтарилиши, уларнинг зовурлар ёрдамида тортиб олиниши, зовурлаштирилган шароитда ғўзани суғориш ва ҳосилдорлиги бўйича шарҳлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотни ўтказиш шароити ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти ҳисобланган Жиззах вилоятининг суғориладиган ер майдони 300.8 минг гектарни, экин ерлари 485.4 минг гектарни ташкил этиб, шундан 101,2 минг гектари кучсиз, 76,1 минг гектари ўртача ва 38,9 минг гектари кучли шўрланганлиги келтирилган.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини белгиловчи асосий мезонлардан бири сизот сувларнинг сатҳи ва шўрланиши ҳамда тупроқ қатламининг шўрланиш даражаси ҳисобланади. Биргина Жиззах вилояти мисолида кўрилган мелиоратив назорат маълумотларига кўра сизот сувларинг сатҳи 0-2 м бўлган ерлар 2,3 минг га, 2-3 м бўлган ерлар 188 минг га, 3-5 м бўлган ерлар 80 минг га, 5 м дан паст сатҳдаги ерлар 30,2 минг га.ни ташкил этди.

Сизот сувларининг шўрланиши бўйича 0- г/л даги ерлар 41 минг га, 1-3 г/л даги ерлар 65 минг га, 3-5 г/л даги ерлар 148,5 минг га, 5-10 г/л даги ерлар 40 минг га, 10 г/л дан юқори шўрланишдаги ерлар 6,8 минг га ҳисобланади. Тупроқнинг шўрланиш даражаси бўйича: шўрланмаган - 45 минг га ёки 15,2%, кучсиз шўрланган - 129,2 минг га ёки 42,9 %, ўртача шўрланган- 118,2 мин га ёки 39,2 %, кучли шўрланган – 8,2 мин га ёки 2,7 % ни ташкил қилади. Вилоят бўйича ёпиқ ётиқ зовурлар 13 236 км, шундан 7896 км яхши, 5340 км қониқарсиз ҳолатда турибди.

Тадқиқотларда Мирзачўл туманининг шўрланган тупроқ шароитида, янги типдаги горизонтал ёпиқ ётиқ зовур ўрнатилиб, мавжуд зовурлар билан ўзоро фарқи ўрганилган.

## 1-жадвал

### Тажриба тизими

Вар №	Мелиоратив тадбирлар
1.	Ишлаб чиқаришда қабул қилинган технология (мавжуд зовурлар тизими, шўр ювиш ва ғўзани суғориш тартиблари)
2.	Тажрибада янги конструкциядаги ёпиқ ётиқ зовур, шўрланиш даражаси бўйича шўр ювиш, ғўзани сувга бўлган талаби бўйича суғориш

Тажрибанинг умумий ҳисобий майдони 6 гектар бўлиб, 1-назорат варианты 2 га, 2- тажриба варианты-янги конструкциядаги ёпиқ зовур-4 га. Тажриба майдонининг тупроғи ўтлоқи-бўз, механик таркибига кўра ўртача қумоқ, ўртача даражада шўрланган, сизот сувлари 2,0- 2,5 м чуқурликда жойлашган.

Диссертациянинг **“Тажриба майдонининг тупроқ ҳолати”** деб номланган учинчи бобида тажриба майдони тупроқ грунтининг механик таркиби тупроқнинг ҳайдалма қатлами ва ҳайдалма қатлам остининг механик таркиби “ўртача”, ҳайдалма қатлам остидан 113 см гача яъни 73 см қатламнинг механик таркиби “оғир”, 113-168 см чуқурликда ҳам “ўрта”, 168-190 см қатламда, яъни ёпиқ зовур қувури жойлашган қатламнинг механик таркиби “оғир” эканлиги аниқланди. Олиб борган тадқиқотларимизда тажриба майдони тупроғини хажм массаси ва ғоваклиги бўйича қабул қилинган шкала бўйича тупроқнинг ҳайдалма қатлами 1,38-1,47 г/см<sup>3</sup> зичлашган, кейинги қатламлар эса ўртача зичлашган тупроқ ҳисобланади, ғоваклиги бўйича эса ҳайдалма қатлам 49 %, кейинги қатламлар 43-46 % бўлганлиги аниқланган.

Тажриба майдони тупроғининг сув ўтказувчанлиги биринчи соатида тупроққа сингиган сув миқдори 397 м<sup>3</sup>/га ни, сувнинг тупроққача сингиш тезлиги эса 0,83 мм/мин.ни ташкил қилди. Кузатувнинг кейинги вақтларида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ва унинг сув ўтказиш тезлиги аста-секин камайиб борди ва кузатувнинг олтинчи соатида тупроққа сингиган сув миқдори бир соат давомида 73 м<sup>3</sup>/га, сингиш тезлиги эса 0,12 мм/мин.дан иборат бўлган.

Тупроқнинг чекланган нам сифими 70 см қатламда 21,5 % ни, 100 см қатламда эса эса 21,7 % ни ташкил қилди. Тажриба майдони тупроғида сизот сувлар жойлашиш чуқурлиги 190 см бўлганда, унинг капилляр захланиши 40 см баландликкача кўтарилиши аниқланди.

Диссертациянинг **“Янги конструкциядаги ёпиқ ётиқ зовурнинг тупроқни мелиоратив ҳолатига таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида тажриба вариантларига шўр ювиш ва ғўзани суғориш даврларида 4514 м<sup>3</sup>/га меъёрида сув берилган бўлиб, ундатажриба майдонига ўрнатилган янги конструкциядаги ёпиқ зовурлаштирилган мелиоратив шароит учун ишлаб чиқилган назарий шўр ювиш меъёри (1400-2275 м<sup>3</sup>/га) ва шу асосида шўр ювиш учун берилган (1436-2287 м<sup>3</sup>/га) сув меъёри тупроқ таркибидаги хлор ионини тўлиқ (0,02 % гача) ювилишини таъминлаши кўрсатилган.

Ўсув давридаги ғўзани суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги назорат вариантыда 15,6-17,7 %, тажриба вариантыда эса 15,3-15,8 %, ЧДНСга нисбатан тупроқ намлиги назорат вариантыда 71,9-81,5 %, тажриба вариантыда 70,5-72,8 % ни ташкил этди.

Тадқиқот ўтказилган йилларнинг амал даврида назорат вариантыда ғўза икки марта суғорилиб, бунда биринчи суғоришда 930-1396 м<sup>3</sup>/га, иккинчи суғоришда 910-1382 м<sup>3</sup>/га, мавсумий суғориш меъёри эса 2030-2778 м<sup>3</sup>/га ни ташкил қилди.

**Тажриба майдонларида шўр ювиш меъёрларининг тупроқдаги тузларни ювилишига таъсири (ўртача 1 м қатламда)**

Шўр ювиш муддати	Зовурдан 5 м узокликда		Зовурдан 35 м узокликда		Зовурдан 50 м узокликда	
	Қуруқ қолдиқ	С1	Қуруқ қолдиқ	С1	Қуруқ қолдиқ	С1
<b>2018 йил</b>						
Шўр ювишдан олдин	0,900	0,039	0,856	0,045	0,837	0,039
Шўр ювишдан кейин	0,863	0,013	0,770	0,021	0,711	0,027
<b>2019 йил</b>						
Шўр ювишдан олдин	0,686	0,041	0,795	0,046	0,836	0,054
Шўр ювишдан кейин	0,611	0,017	0,703	0,020	0,754	0,023
<b>2020 йил</b>						
Шўр ювишдан олдин	0,609	0,038	0,729	0,041	0,782	0,047
Шўр ювишдан кейин	0,546	0,015	0,653	0,018	0,733	0,025

Тажриба вариантыда эса мавсум давомида ғўза уч марта суғоришни талаб қилди. Бунда ҳар галги суғориш меъёрлари 800-1000м<sup>3</sup>/га, мавсумий суғориш меъёри 2481-2856 м<sup>3</sup>/га дан иборат бўлди.


Тажриба майдонларига йил давомида шўр ювиш ва ғўзани ўсув даври давомидаги сарфланган умумий сув миқдори назорат вариантыда 4494 м<sup>3</sup>/га, тажриба вариантыда эса 4580 м<sup>3</sup>/га дан иборат бўлди. Юқорида келтирилган ғўзани суғориш учун сарфланган сувлар сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигига ва зовур оқимида ўз таъсирини кўрсатди.

Тажриба майдонларида сизот сувларининг ер юзасига энг яқин жойлашиш даври қиш ва баҳор ойларига, яъни атмосфера ёғинлари кўп бўлган, буғланиш камайган ва шўр ювиш ишлари ўтказилган даврларга тўғри келди. Бунда назорат вариантыда март-апрел ойларидаги сизот сувларининг ўртача жойлашиш чуқурлиги 143-136 см.ни ташкил қилди. Тажриба вариантыда, яъни янги конструкциядаги зовур таъсирида бўлган майдонда эса 155, 162 см.ни ташкил этиб, назорат майдонига нисбатан 12 ва 26 см чуқурликда жойлашганлиги қайд қилинди. Тажриба майдонида сизот сувларининг жойлашиш сатхи зовурдан узоклик масофасига боғлиқ ҳолда ўзгарди, март-апрел ойларида ўртача сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги зовурдан 5 м узокликда 160-168 см, 35 м узокликда 154-162см ва 50 м узокликда эса 150-157см ёки ўртача назорат вариантыга нисбатан зовурдан 5 м бўлган масофада 17-32 см, 35 м масофада 11-26 см ва 50 м бўлган масофада 7-21 см чуқурда жойлашганлиги қайд қилинди.

Тажриба майдонларида апрел ойининг охири декадасидан, июн ойининг биринчи декадасигача, яъни ғўзани биринчи суғориш давригача сизот сувларининг жойлашиш сатхи чуқурлашиб борди. Бунда назорат вариантыда сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги июн ойининг бошида 155 см ни, тажриба майдонида зовурдан кейинги 5 м да 176 см, 35 м масофада 172 см, 50 м масофада 170 см чуқурликда бўлди.

Ғўзани суғориш даврига келиб, иккала тажриба майдонида ҳам сизот сувларининг жойлашиш сатҳи секин-аста кўтарила бошлади ва август ойида ер юзасига максимал яқин жойлашганлиги кузатилди.

Бунда назорат вариантыда 142 см, тажриба вариантыда зовурдан кейинги 5 м масофада 159 см, 35 м масофада 159 см ва 50 м масофада эса 149 см ни ташкил қилди.



**1-расм. Тажриба майдонларида сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигининг ўзгариши, см**

Тажриба майдонларида сизот сувларининг минераллашганлик даражасини мавсумий ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, сизот сувлари минераллашганлик даражасини нисбатан камайиши йил давомида икки марта кузатилиб, биринчи ҳолат шўр ювишдан кейин (декабр ойида) ва иккинчи ҳолат ўсув давридаги суғоришлар мавсумида кузатилди.

Сизот сувларининг мавсумий ўзгариши назорат вариантыда шўр ювишдан олдин 5,4-6,0 г/л дан шўр ювишдан кейин 5,0-5,2 г/л гача суғоришлар даврида эса 4,1-5,7 г/л гача камайди, тажриба вариантыда 5,4-6,0 г/л дан 4,5-5,0 ва 4,0-4,4 г/л гача камайди.

“Янги ёпиқ зовурнинг ишончилигини баҳолаш” деб номланган бобида зовурнинг сизот сувларини пасайиш тезлиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$V = \frac{R}{t * w};$$

**Бунда:**  $V$  – сизот суви сатҳининг пасайиш тезлиги, мм/сут.

$R$  – зовурлаштирилган майдонга кирадиган йиллик сув (атмосфера ёғинлари, шўр ювиш ва экинларни суғориш меъёрлари, филтрация) миқдори, мм.

$t$  – зовурнинг иш фаолияти, сутка.

$w$  – тупроқнинг сув узатиш (водоодачи) коэффициентлари.

Ушбу формула ёрдамида тажриба майдонида сизот сувлар сатҳининг кунлик пасайиш тезлиги 20-22 мм/сут.ни ташкил қилиб, 3 йиллик тажриба давомида ишончли 150-180 см чуқурликда бўлишлиги таъминланди.

Тажриба майдонида сизот сувларининг кўтарилиш масофаси қуйидаги сув мувозанати формуласи бўйича аниқланди:

$$W=O_C+\Phi_K+M_H-(U+T_P)$$

Бунда:  $W$  – тупроқда йил давомида вужудга келган сув захираси, м<sup>3</sup>/га;

$O_C$  – атмосфера ёғинлари, м<sup>3</sup>/га;

$\Phi_K$  –суғориш тармоқларидан филтрланган сув миқдори, м<sup>3</sup>/га;

$U$  – тупроқ сатҳидан буғланган сув миқдори, м<sup>3</sup>/га;

$T_P$  – ўсимлик транспирацияси, м<sup>3</sup>/га.


Бунда сизот сувларининг максимал кўтарилиш баландлиги ўртача 3 йиллик маълумот бўйича 2,0-2,5 м.дан 1,12-1,62 м.гача, яъни 0,88 м.гача кўтарилиши исботланди.

Ёпиқ ётиқ зовурларнинг асосий вазифаси тупроқ-грунт таркибида тўпланган ортиқча сизот сувларини тортиб олиш ва уларни суғориладиган майдонлардан ташқарига, коллекторларга оқизиб юборишдан ва сизот сувлар сатҳини пасайтиришдан иборат. Тажриба майдонига ўрнатилган янги конструкциядаги ёпиқ зовури ер юзасидан 2 м. чуқурликда жойлаштирилган (суғорилган ерларда фаолият кўрсатиб келаётган аксарият ёпиқ ётиқ зовурлар 3-3,5 м чуқурликка жойлаштирилган) ва улар шу 2 м қатламдаги ортиқча сизот сувларини тортиб олишга мўлжалланган. Ер юзасидан шўр ювиш ёки экинларни суғориш учун берилган сувлар тупроқ ғовақларини тўлдириб, қолган бир қисми эркин ҳолда оқиб, ер остидан оқиб келаётган сизот сувларига қўшилади ва зовурлар орқали тортиб олинади.

Зовурларнинг сув оқими тупроқ-грунтнинг литологик тузилишига, сув-физик хоссаларига, сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигига ва ер юзасидан суғориш учун берилаётган сув меъёрларига боғлиқ бўлади.

Тажриба майдонида ўрганилаётган янги конструкциядаги зовурнинг сув оқими йил давомида ойлар бўйича, шунингдек, ўсув даврида ғўзани ҳар бир суғориш давомида ўлчаб борилди.


Зовурнинг сув оқими бўйича ўлчаш натижалари 2-расмда келтирилган.



2-расм.Тажриба майдонида зовурнинг йиллик сув оқими, (л/с.га).

Ушбу расмларда келтирилган илмий маълумотлар шуни кўрсатадики, тажриба майдонидаги зовурнинг максимал сув оқими шўр ювиш даврида, яъни сизот сувлари нисбатан энг юқори жойлашган даврида кўрсатилиб, бунда декабр ва феврал ойларида ўртача 0,111-0,122 л/с га, март ойида 0,076 л/с.га ни ташкил қилди. Тажриба майдонида суғоришлар бўлмаган апрел-май ойларида, яъни ғўзани суғориш бошланишгача бўлган даврида зовурнинг сув оқими 0,054-0,040 л/с га гача камайди, суғориш даврига келиб (июн, июл, август ойларида) эса оқим янада кучайиб, бу даврда 0,040-0,060 л/с. ни ташкил қилди. Суғоришлар бўлмаган сентябр, октябр ойларидаги зовур оқими 0,02 л/с га гача камайди.

Тажриба майдонидаги зовурдан чиқаётган сувнинг минераллашганлик даражаси шўр ювиш ва суғоришда берилган меъёрларга боғлиқ ҳолда ўзгариб, шўр ювишдан олдин 5.1 ES.d/см бўлди, шўр ювишдан кейин, март ойини охиригача 3.3 ES.d/см гача камайди. Кейин ғўзани суғориш давригача яна кўтарилиб борди, суғориш даврида эса 3,0 ES.d/см гача камайди.




**3-расм. Зовур сув оқимининг минераллашганлик даражаси, (ES\*d/sm бўйича)**

Диссертациянинг “Янги типдаги ёпиқ ётиқ зовур ўрнатилган майдонда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда иқтисодий самарадорлиги” деб номланган бешинчи бобида тадқиқотларда назорат вариантыда такрорланиш нуқталари бўйича ўртача 3 йилда ғўзанинг кўчат сони йиллар бўйича 87,5-91,2 минг.туп/га.ни, тажриба вариантыда ўртача 90,0-93,5 минг.туп/га.ни ташкил қилди.

Ғўзанинг ҳосил шохлари назорат вариантыда биринчи июлда 3,2 дона, биринчи августда 11,7 дона, тажриба вариантыда шу муддатларда 3,9 дона ва 12,5 донадан иборат бўлиб, назорат вариантига нисбатан 0,7 ва 0,8 донага кўп бўлганлиги қайд қилинди.

Тажриба вариантларида вужудга келган кўсаклар сони аниқланганда биринчи августда назорат вариантыда 7,3 дона, биринчи сентябрда 9,2 дона бўлганлиги, тажриба майдонида юқорида келтирилган муддатларда вужудга келган кўсаклар сони 7,9 ва 10,5 донани ташкил қилиб, бу назорат вариантига нисбатан 0,6 ва 1,3 дона кўп бўлганлиги аниқланди.



**4-расм. Ғўзанинг ҳосил шохлари ва кўсақлар сони (ўртача 3 йиллик)**

Умуман, тажриба вариантларида етиштирилган ғўзани ўсиш ва ривожланиши бўйича олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатдики, тажриба вариантыда ғўзанинг бош поя узунлиги назорат вариантига нисбатан 1,1 см, ҳосил шохлари 0,8 донага (биринчи август ҳолатига), тўлиқ етилган кўсақлар сони 1,3 донага юқори бўлганлиги қайд қилинди.

**3-жадвал**

**Тажриба майдонларида етиштирилган ғўзанинг ҳосилдорлиги, ц/га**

Ҳисобдаги майдон №	Йиллар			Ўртача 3 йиллик
	2018	2019	2020	
<b>Назорат варианты</b>				
<b>1</b>	24,0	24,8	25,3	24,7
<b>2</b>	24,2	25,2	26,2	25,2
<b>3</b>	25,3	25,5	23,6	24,8
<b>Ўртача</b>	24,5	25,2	25,0	24,8
<b>Тажриба варианты</b>				
<b>1</b>	28,0	27,0	28,2	27,7
<b>2</b>	27,5	28,3	29,0	28,3
<b>3</b>	26,8	27,2	28,6	28,0
<b>Ўртача</b>	27,4	27,5	28,6	27,8

Тажриба майдонларида етиштирилган ғўзанинг ҳосилдорлиги ўрганилганда ҳисобдаги майдонлардан териб олинган тўлиқ ҳосил йиллар бўйича назорат майдонида 23,6-26,2 ц/га.ни, тажриба майдонида эса 26,8-29,0 ц/га.ни ташкил қилди. Пахта ҳосилининг ўртача 3 йиллиги назорат вариантыда 24,8 ц/га.ни тажриба вариантыда эса 27,8 ц/га.дан иборат бўлиб, янги конструкциядаги ёпиқ горизонтал зовур ўрнатилган тажриба майдонидан пахта ҳосили назорат вариантига нисбатан 3,0 ц/га юқори бўлганлиги аниқланди. Бу вариантда нисбатан пахта ҳосилини юқори

бўлишига асосий сабаб барпо қилинган янги конструкциядаги ёпиқ ётиқ зовур тупроқни фаол аэрация қатламидаги сув ва туз тартибларига ижобий таъсир қилиши билан боғлиқ.

Тажриба майдонларида етиштирилган ғўзанинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун, ғўза етиштиришга қилинган барча харажатлар (ер шудгорлаш текислаш, ишлов бериш, касаллик ва зараркундаларга қарши курашиш, ҳосилни етиштириб олиш ва бошқалар) ҳисобга олинди. Шунингдек тажриба майдонида янги конструкциядаги зовурни тайёрлаш ва қурилиш ишларига қилинган харажатлар ҳисобга олинди. Бунда янги конструкциядаги зовур барпо қилиш учун қилинган барча харажатлар 20 млн/га ни ташкил қилди. Пахта етиштириш учун қилинган харажатларни ҳисобга олишда Жиззах вилояти Мирзачўл тумани Бахмал агро фермер хўжалигида қилинган харажатлар ҳисобга олинди. Бунда пахта ҳосили етиштириш учун 4760000 сўм/га сарфланган.

Маҳсулотни сотишдан келган даромадни аниқлашда пахтани сотиш баҳоси (пахта 4200 сўм/кг -2020 йил баҳоси) ҳисобга олинди.

#### 4-жадвал

#### Тажриба майдонларида пахта ҳосили етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги

Майдон	Ҳосил-дорлик, ц/га	Пахта етиштириш учун қилинган жами харажат, сўм/га	Пахта сотишдан келган жами даромад, сўм/га	Соф фойда, сўм/га	Таннарх, сўм/кг	Рентабеллик даражаси, %
Назорат	24,8	7760000	10416000	2 656 000	312 903	34,2
Тажриба	27,8	7910000	11676000	3 766 000	284 532	47,6

Ушбу жадвал маълумотларини кўрсатишича, тажриба майдонида етиштирилган пахтани сотишдан келган даромад 11 676 000 сўмни, бир гектарда етиштирилган пахта ҳосилидан олинган соф фойда 3 766 000 сўмни, бир центнер пахта етиштиришнинг таннархи 284 532 сўмни ва рентабеллик даражаси 47,7 %ни ташкил қилди.

Тажриба майдонига қурилган янги конструкциядаги зовур учун қилинган жами харажат ўртача 20 000 000 сўм/га бўлиб, унинг қоплаш муддати пахта етиштиришдан олинган соф фойда ҳисобига олинганда 5 йилда қопланади.

#### ХУЛОСАЛАР

1. Тадқиқотлар олиб борилган майдон тупроғи ўтлоқи бўз, ўртача шўрланган, механик таркиби бўйича ўрта ва оғир, тупроқнинг ҳажм массаси ҳайдалма қатламда 1,38 г/см<sup>3</sup>, икки метрлик зовурлаштирилган қатламда ўртача 1,45 г/см<sup>3</sup>, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги дастлабки кузатувда 0,83 мм/мин.ни ва охири кузатувда 0,12 мм/мин.ни ташкил қилди.

2. Янги типдаги горизонтал ёпиқ ётиқ зовур қувур материали полиэтилен, жойлаштириш чуқурлиги 2,0-2,5 м, қувурнинг диаметри 160 мм, қувурлар орасидаги масофа 100 м, қувур тешиги 2 мм, тупроқнинг аэрация қисми 1,5 м.ни ташкил қилди;

3. Янги конструкциядаги ёпиқ зовурлаштирилган тажриба майдони учун ишлаб чиқилган назарий шўр ювиш меъёри йиллар бўйича 1400-2123 м<sup>3</sup>/га.ни ташкил қилиб, шу меъёрлар асосида шўри ювилганда тупроқ таркибидаги тузлар миқдори, яъни куруқ қолдиқ 0,731 % дан 0,673 % гача, хлор ионининг миқдори 0,043 % дан 0,020 % гача, назорат вариантыда эса шўр ювиш меъёри 1435-2275 м<sup>3</sup>/га бўлганда куруқ қолдиқ 0,773 % дан 0,741 % гача, хлор иони 0,043 % дан 0,023 % гача ювилганлиги аниқланди.

4. Ўсув даври давомида ғўзанинг суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги назорат майдонида 15,7-17,7 %. ЧДНС га нисбатан 71,9-81,5 % дан, тажриба вариантыда эса 15,3-15,8 % ва ЧДНС га нисбатан 70,5-72,8 % дан иборат бўлди, яъни шу вариантдаги зовур тизими тупроқнинг 1 м қатламидаги намликни меъёрида сақланишини таъминлади.

5. Тажриба майдонида ғўза мавсум давомида 3 марта суғорилиб, ҳар галги суғориш меъёри 800-1000 м<sup>3</sup>/га.ни, мавсумий суғориш меъёри 2480-2856 м<sup>3</sup>/га.ни ташкил қилди. Назорат майдонида эса ғўза 2 марта суғорилиб, ҳар галги суғориш меъёри 910-1396 м<sup>3</sup>/га ва мавсумий суғориш меъёри 2030-2778 м<sup>3</sup>/га.дан иборат бўлди.

6. Сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги йил давомида шўр ювиш ва суғориш меъёрларига ҳамда зовур фаолиятига боғлиқ ҳолда ўзгариши кузатилди. Назорат вариантыда ноўсув даврида 143-165 см.да, ўсув даврида 136-154 см чуқурликда, тажриба вариантыда эса ноўсув даврида 165-170 см, ўсув даврида 162-168 см чуқурликда жойлашганлиги кузатилди.

7. Сизот сувларининг минераллашганлик даражаси шўр ювишдан олдин назорат вариантыда 5,4-6,0 г/л.дан назорат вариантыда шўри ювилгандан сўнг 5,0-5,2 г/л.гача, суғориш даврида 4,1-5,7 г/л.гача, тажриба вариантыда эса юқоридагиларга мос равишда 4,5-5,0 ва 4,0-4,4 г/л.гача камайди.

8. Тажриба майдонида тадқиқотларнинг бошланиш даврида сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги ўртача 190 см бўлганда, тупроқнинг капилляр захланиши 40 см.ни, шўр ювишдан кейин ўсув даврининг бошигача сизот сувларининг назарий максимал жойлашиш чуқурлиги 1,12-1,16 м.ни, унинг кўтарилиш баландлиги 0,83-0,88 м бўлишлиги ва янги конструкциядаги зовур шўр ювиш ва ўсув даврида сизот сувларининг пасайиш тезлиги 20-22 мм/сут. бўлишлигини таъминлади.

9. Тажрибада ўрганилган зовурнинг сув оқими йил давомида икки марта ўзгариб, максимал оқим (шўр ювиш даврида-0,063-0,071 л/с.га) ва минимал оқим суғорилмайдиган даврда-0,020 л/с.га вужудга келиши ҳамда шўр ювиш, ғўзани суғориш учун берилган (4514 м<sup>3</sup>/га) сувни 36 %ини тортиб олганлиги кузатилди.

10. Тажриба майдонларидан олинган пахта ҳосили назорат вариантыда (ўртача 3 йиллик) 24,8 ц/га.ни, тажриба вариантыда эса 27,8 ц/га, яъни тажриба вариантыда 3,0 ц/га юқори ҳосилдорликка эришилди.

11. Янги конструкциядаги ёпиқ зовур барпо қилинган майдонда пахта етиштирилганда олинган соф фойда 3 766 000 сўм/га.дан, пахтанинг таннархи 284 532 сўм/га.дан, рентабеллик даражаси 47,6 % дан иборат бўлди. Зовурни қуриш учун қилинган жами харажатлар 20 000 000 сўм/га.ни ташкил этиб, бу суммани қоплаш муддати пахтани сотишдан келган соф фойдани 50%и сарфланганда 5 йил ҳисобланади.

12. Суғориладиган шўрланишга мойил, сизот сувлари яқин (2,0 м) ерларда янги конструкциядаги ёпиқ ётиқ зовур қувурлари پلیэтилен материалдан иборат бўлиб, диаметри 160 мм, жойлаштириш чуқурлиги 2,0-2,5 м, зовурлар орасидаги масофа 70-150 м зовурлаштирилган майдонда жорий шўр ювиш меъёри 2000 м<sup>3</sup>/га, ғўзани 0-3-0 тизимда3 мартасуғориш, ҳар галги суғориш меъёри эса 800-900 м<sup>3</sup>/га.дан иборат бўлиши тавсия этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ  
СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) НА ОСНОВЕ  
НАУЧНОГО СОВЕТА PhD.05/04.03.2022.Qx.13.03 ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ХИКМАТОВ ШЕРЗОД ТУХТАМУРОДОВИЧ**

**НАУЧНО ОБОСНОВАТЬ АГРОМЕЛИОРАТИВНУЮ  
ЭФФЕКТИВНОСТЬ ЗАКРЫТОГО ГОРИЗОНТАЛЬНОГО ДРЕНАЖА  
НОВОГО ТИПА ПРИ УЛУЧШЕНИИ МЕЛИОРАТИВНОГО  
СОСТОЯНИЯ ЗАСОЛЕННЫХ ПОЧВ**

**06.01.02 – Мелиорация и орошаемое земледелие**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.2. PhD/Qx499**

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Ташкентском государственном аграрно университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу [www.psuyaiti.uz](http://www.psuyaiti.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** **Норкулов Усмонкул**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Матякубов Бахтиёр Шамуратович**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Хасанов Максуд Марифович**  
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:** **Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии**

Защита состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Разового научного совета по присуждению учёной степени доктора философии (PhD) на основе научного совета DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, Ташкентская область, Кибрайский район, ул. Университетская-2. Ташкентский государственный аграрный университет, тел.: (+99871) 260-48-00, факс: (+99871) 260-38-60, e-mail: [tuag\\_info@edu.uz](mailto:tuag_info@edu.uz)). Здание Ташкентского государственного аграрного университета, 2 этаж, залзаседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_) (Адрес: 100140, Ташкентская область, Кибрайский район, ул. Университетская-2. Здание информационно-ресурсного центра Ташкентского государственного аграрного университета, тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года)

**Ф.Б.Намозов**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.с.х.н., профессор

**А.А.Иминов**  
Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.с.х.н., профессор

**М.Э.Аманова**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.с.х.н.,  
старший научный сотрудник

## ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным ФАО 25 % площади стран мира возделывающих сельскохозяйственных продуктов считаются засоленными землями в разной степени. Засоленные площади в основном в Аргентине составляют 30,5 млн, в Парагвае 20,0 млн, в Египте 7,7 млн, в США 5,9 млн гектар. В Республике Узбекистан засоленные орошаемые площади составляют 2 млн гектар, из них 31,0 % слабо, 11,9 % средне и 1,9 % сильнозасоленные<sup>3</sup>. Одним из актуальных вопросов является совершенствование закрытых горизонтальных дренажей, предназначенных для стабильного сохранения мелиоративного состояния земель различной степени засоленности и рассоления засоленных земель повышения плодородия почв и улучшения мелиоративного состояния земель.

Площадь орошаемых земель в мире составляет 299 488 млн.га, и около 45 % ее находится в разной степени засоления. За последние 100 лет количество воды, используемой на 1 га орошаемой земли остается неизменным, и по этой проблеме проводятся достаточные научные исследования в таких странах, как США, Китай, Израиль, Италия, Испания, Германия, Россия. По научным рекомендациям, отмечено проведение промывки на слабозасоленных землях Джизакской области нормой 2000-2500 м<sup>3</sup>/га, на средnezасоленных землях нормой 3500-4000 м<sup>3</sup>/га, сильнозасоленных землях нормой 5000-6000 м<sup>3</sup>/га. Не удовлетворительная работа дренажей, повышение из года в год уровня грунтовых вод и промывка солей расходуя высоких норм при одновременном наблюдении дефицита воды приводит к вторичному засолению земель. Важное значение имеют проведения исследований по разработке эффективных и оптимальных способов промывки засоленных земель, а также орошения хлопчатника.

В указе Президента Республики Узбекистан намеченном в 2022-2026 годы от 28 января 2022 года за № УП-60 «Развитие стратегии нового Узбекистана» намечено «Осуществление отдельной государственной программы по коренному реформированию управляемой системы водных ресурсов и экономии воды». При этом во второй части 31 цели запланировано улучшение водообеспеченности 335,1 тысяч гектар и мелиоративного состояния 125,4 тысяч гектар, а также экономия воды 543 млн м<sup>3</sup> за счёт строительства и реконструкция ирригационно-мелиоративных объектов, вследствие этого в 2022 годы поручено строительство и реконструкция 427,1 км каналов, 131,9 км лотков, 13,2 км дренажей и 886,0 км коллекторно-дренажных сетей<sup>4</sup>. Поэтому в нашей стране актуальными является проведение научных исследований по улучшению мелиоративного состояния земель с разной степенью засоленности, а также предотвращению подъема фильтрационных вод на поверхность почвы.

---

<sup>3</sup><http://fao/worldfoodsituation/csdb/ru>

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармонининг «Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислох қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш» бўйича 31-банди.

